

## **2-мавзу. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ**

### ***Режа:***

***1. Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни ва аҳамияти***

***2. Ўзбекистон табиий шароити ва ресурсларининг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида тутган ўрни***

***3. Мустақиллик йилларида республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар***

***4. Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника базаси***

***5. Асосий восита тушунчаси ва унинг классификацияси***

Қишлоқ хўжалиги барча моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ичида энг қадимийси бўлиб, кишилиқ жамиятининг ривожланишида катта роль ўйнаган. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг муҳим ва йирик тармоғи саналади. У аҳоли учун озиқ-овқат, саноат тармоқлари учун қимматбаҳо хом ашё, ташқи савдога эса турли туман хом-ашё ва товарлар етказиб беради. Аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалигининг ўрни беқиёс бўлиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур товарларнинг 85 % га яқин мазкур тармоқ зиммасига тўғри келади. Республика Ялпи Ички маҳсулотининг 1/4 қисмидан кўпроғи аграр секторда яратилади.

Мамлакат аҳолисининг 63,9 % и ёки 16,8 млн. кишидан ортиқ аҳолиси қишлоқ аҳоли пунктларида яшайди(2006). Мамлакат аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг бўлса, қишлоқ аҳоли пунктларида бу кўрсаткич 23,3 ёшга тўғри келади. Республика меҳнат ресурсларининг 1/3 қисмига яқини аграр секторда фаолият юритмоқда.

Ўзбекистоннинг қулай иқлимий-табиий шароити ва унумдор водий ва воҳалари қадимдан деҳқончилик қилиш учун қулай имконият яратган. Республика ўртача кенгликларда (37-45<sup>0</sup> ш.к.), чала чўл ва чўл зонасида жойлашгани учун ҳавоси очиқ ва серофтоб. Қуёш нурлари кўп тушади. Тошкентда йилига ўртача 2889 соат қуёш нурлари тушса, бу миқдор Термизда 3019 соатга тенг. Қизилқум, Мирзачўл, Қарши чўлларида қуёш узоқ вақт, яъни

йилига 4460 соат нур сочиб туради. Мусбат ҳароратлар йиғиндиси Устюртда 3000<sup>0</sup> дан ортиқ, Сурхондарёда эса 5900<sup>0</sup> га етади.

Қуёш радиацияси йилига бир см. кв. юзага 137-160 килокалорияни ташкил этади. Қуёшли кунлар тоғли ҳудудларга нисбатан камроқ-2500 соат, Қизилқум, Сурхон-Шеробод водийсига энг кўп-3000 соатдан кўпроқ давом этади. Республикамизда қуёшли кунлар узок давом этгани учун (190-270 кун) қишлоқ хўжалиги экинларидан йилига 2-3 мартадан ҳосил йиғиштириб олиш, вегетация даври узок давом этадиган, иссиқсевар ўсимликларни етиштириш имконияти мавжуд. Ўзбекистонда табиий, тарихий омиллар ва меҳнат ресурслари ва халқимизнинг шаклланган бир неча минг йиллик тарихга эга деҳқончилик маданияти негизда пахтачилик етакчи тармоққа айланди. Республикада йилига ўртача 1,5 млн. т. пахта толаси ишлаб чиқарилади. Пахта ялпи ҳосили бўйича Ўзбекистон дунёда 5-ўринда, пахта толаси экспорти бўйича эса 2-ўринда туради.

Мустақиллик йилларида республика аҳолисининг эҳтиёжини қондириш, пахта яккахокимлигига барҳам бериш мақсадида “дон мустақиллиги” учун қизгин кураш олиб борилди. Пахта майдонлари камайтирилиб донли экинлар майдони кенгайтирилди. Натижада дон ялпи ҳосили кескин ортди. Республикада йилига 6 млн. т дан ортиқ дон маҳсулотлари етиштириб келинмоқда.

Ўзбекистон қадимдан шириндан-шакар полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари билан ҳам машҳур бўлиб келган. Истиқболда республиканинг 30 % ҳудудини эгаллаган тоғ олди ва тоғли зоналарида боғдорчилик, узумчилик маҳсулотлари етиштиришнинг янги манбалари вужудга келади. Етиштириладиган маҳсулотлар эса нафақат ички эҳтиёжни қондирибгина қолмасдан жаҳон бозорида мустаҳкам жой эгаллашига олиб келади.

Ўзбекистоннинг табиий шароити деҳқончиликни ривожланишига қанчалик қулайлик яратган бўлса чорвачилик учун ҳам шунчалик қулайдир. Обикор деҳқончилик ҳудудларида қорамолчилик, паррандачилик, асаларичилик, қўйчилик, чўл ва тоғ олди зоналарида қоракўлчилик,

йилқичилик, туячилик, эчкичилик, дарё ва кўл ҳавзаларида балиқчилик, даррандачилик ривожланган. Республика чўлларида йил давомида яйлов сифатида кенг фойдаланилади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг 7,7 % и чорва моллари озуқа базасини яратиш учун ажратилган. Унда йилига 10 млн. т. пичан ва силос йиғиштириб олинади. Республиканинг чўл зонасида жойлашган яйловлардан янада кенг фойдаланилса йилига ўртача 3-5 ц. гача ем-ҳашак тайёрлаш мумкин.

Ўзбекистон ер фонди 44,7 млн. га тенг бўлиб, унинг 4,2 млн. га қисмида суғорма деҳқончилик қилинади. Республикада ҳар 100 га ердан фақат 7 га ер деҳқончиликка яроқли бўлиб, бу келажакда деҳқончиликни ривожлантиришда муаммоларнинг мураккаблашишига сабабчи бўлади. Негаки, ўлкамиз чўл зонасида жойлашган, суғориб деҳқончилик қиладиган мамлакатлар қаторига киради. Республика қишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончиликка асосланган. Сувга бўлган талаб жуда юқори ва бу талаб йилдан-йилга ортиб бораверади. Республика сув захираси сувга бўлган талабнинг атиги 60 % инигина қондира олади, холос. Айрим йиллари бу кўрсаткичдан ҳам камайиб кетади. Бу эса қишлоқ хўжалиги тараққиётига салбий таъсир этади. Сувни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш мақсадида йирик сув омборлар ва каналлар бунёд этилган. Эндиликда сув ҳажми 18,6 млрд. м<sup>3</sup> га тенг 53 та сув омбор ва сув сарфи 2500 м/сек га тенг 75 та йирик каналлар тизими суғорма деҳқончиликка хизмат кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ташқи иқтисодий алоқаларда ҳам салмоқли ўрин тутаяди. Республика аграр сектори хорижий мамлакатларга пахта толаси, қоракўл териси, пилла, асал, мевалар, доривор ўсимликлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар экспорт қилади. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини тўлиқ қайта ишлашга, товар маҳсулоти сифатида четга чиқарилишига катта эътибор қаратилди. Четдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиб келиниши кескин камайди. Айниқса, дон маҳсулотлари импорти икки бароварга камайганини ва ҳозирда бу миқдор 0,4 млн. т. ни ташкил этишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника базаси тубдан ўзгартирилиб, такомиллаштирилмоқда. Энг янги ва замонавий техника ва технологиялар билан таъминланмоқда. Қўл меҳнати камайтирилиб, асосий жараёнлар механизациялаштирилди. Асосий тармоқ-пахтачиликда барча ишлаб чиқариш жараёнининг 78 % и механизациялаштирилган. Етиштирилган пахта ялпи ҳосилининг 30 % дан зиёдроғи машиналарда териб олинади.

Республика агросаноат мажмуасини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир” давлат-кооператив қўмитаси тузилган. Республика агроосаноат мажмуига тегишли корхоналарда 50 турдаги машина ва механизмлар ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари тракторлар, комбайнлар, автобус ва енгил автомобиллар, турли тиркамалар билан таъминланган.

Кимё саноати қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан тўла таъминлаш имкониятига эга. Қишлоқ хўжалигида турли касалликлар ва зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик кураш олиб борилади. Республикада 756 та биолобаториялар ташкил этилган.

Қишлоқ хўжалигининг илмий базаси ҳам юқори даражада ривожлантирилган. Ғўза, буғдой, шоли, полиз экинларининг янги, серҳосил, тезпишар навлари яратилди. Республикада қишлоқ хўжалиги экинларини такомиллаштириш, янги навларини яратиш мақсадида кўплаб илмий текшириш институтлари ва станциялари ташкил этилган. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қишлоқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида чет эл инвестициялари ҳам жалб қилинмоқда. Ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Ишлаб чиқаришда илғор чет эл технологиялари қўлланилмоқда. Россия, Исроил, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид ҳамкорлик тараққий этиб бормоқда.

Инсоният ўзининг тарихий тараққиёти ва меҳнат қилиш жараёнида улкан моддий неъматлар ва бойликлар яратди. Улар қишлоқ хўжалигида хўжаликларнинг мулклари сифатида ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унда илғор технологияларни жорий этиш учун унинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик даражасини ошириш зарур.

**Асосий ишлаб чиқариш фондлари** деб ўз табиий шаклини узок вақт давомида ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган меҳнат воситаларига айтилади. Меҳнат воситаларига трактор, комбайн, пахта териш машиналари, юк ва енгил автомашиналар, асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, кўп йиллик дарахтлар, ишлаб чиқариш ва хўжалик буюмлари, маҳсулдор ва иш чорва ҳайвонлари киради. Бундай меҳнат воситалари ишлаб чиқариш даврлари давомида бир хил вазифани бажаради. Унинг қиймати яратилаётган маҳсулотга аста-секин ўтиб боради.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари дейилишига сабаб меҳнат воситалари ишлаб чиқаришнинг негизини, яъни моддий ишлаб чиқаришда кўп ишлатилишидир.

Асосий фондлар ишлаб чиқаришга тааллуқли ва тааллуқли бўлмаган фондларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш тармоқларида бевосита иштирок этидиган ва узок муддат фойдаланиладиган меҳнат воситаларига ***ишлаб чиқаришга тааллуқли фондлар*** дейилади. Унга бинолар, иншоотлар, машина ва асбоб-ускуналар, трактор воситалари, кўп йиллик дарахтлар, иш ва маҳсулдор чорва моллари киради.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмаса-да, лекин корхоналар ишлаб чиқариши ва хўжалик фаолиятида зарур бўлган меҳнат воситаларига ***ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган фондлар*** дейилади. Умумий овқатланиш, қурилиш, спорт ва соғломлаштириш масканлари, савдосотиқ, кинотеатр ва бошқалар ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган фондларга киради.

Асосий фондлар муайян белгиларига қараб гуруҳларга ажратилади, яъни классификация қилинади. Асосий фондлар моддий ва маънавий характерига, ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган хизматига кўра кўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. **Бинолар.** Унга минерал ўғит ва кимёвий дори-дармонлар сақлаш учун қурилган омборхоналар, қишлоқ хўжалик техникаси ва улар учун ёқилғи ва эҳтиёт қисмлар сақланадиган бинолар(гараж), қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ қурилишлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг бинолари, зооветенария ва биолабораториялар киради.
2. **Иншоотлар.** Хандаклар, парник ва теплицалар, мелиорация ва ирригация иншоотлари, йўллар, кўприклар, органик ўғитлар сақланадиган ва сув билан таъминловчи қудуқлар иншоотлар туркумига киритилади.
3. **Қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналари.** Бу гуруҳ тракторлар, ғалла ўриш ва пахта териш комбайнлари, ер ҳайдаш машиналари, сеялкалар, двигателлар, культивация, йиғим-терим машиналари, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ва таъмирлашга ихтисослаштирилган машина ва ускуналардан иборат.
4. **Транспорт ва алоқа воситалари.** Тракторлар, автомашиналар, тиркагичлар, прицеплар, электр линиялари, телефон, телеграф ва сув тақсимлаш тармоқлари ушбу гуруҳ асосини ташкил этади.
5. **Қишлоқ хўжалик инвентарлари.** Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатни энгиллаштиришга хизмат қиладиган воситалар, меҳнат муҳофазасига оид буюмлар, идоралар, уйлар қишлоқ хўжалик инвентарлари ҳисобланади.
6. **Маҳсулдор чорва ҳайвонларига** маҳсулот берадиган барча чорва ҳайвонлари киради.
7. **Иш ҳайвонларига** йилқи, қорамол, туя, эшак, буғу ва бошқалар киритилади.
8. **Кўп йиллик дарахтлар.** Боғдорчилик, узумчилик, чой, цитрус мевалар, сел ва кумлардан ҳимоя қилиш учун ташкил этилган ихотазорлар ва бошқа дарахтлар.

Қишлоқ хўжалигида асосий воситалар маънавий ва жисмоний жихатдан эскиради.

Фан-техника тараққиёти таъсирида конструкцион ва техник кўрсаткичлари жихатидан орқада қолиши меҳнат воситаларининг ўзига нисбатан янги, яна ҳам серунум ускуналарга ўз ўрнини бўшатиб бериши натижасида маънавий жихатдан эскириши кузатилади.

Жисмоний эскириш-асосий фондлардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик натижасида атроф-муҳит(қор, ёмғир, қуёш радиацияси) таъсирида эскиришдир.

**Қишлоқ хўжалигида айланма маблағлар.** Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятида асосий воситалар билан бирга, уларнинг қийматиغا мос келадиган айланма маблағларга эга бўлиши зарур. Айланма маблағлар бир йиллик ишлаб чиқариш даврида иштирок этиб, ўз қийматини етиштириладиган маҳсулотга тўла тўқис ўтказди ва бошланғич шаклини бутунлай ўзгартириши билан асосий воситалардан фарқ қилади. Шунинг учун қишлоқ хўжалик мавсумининг бошланишида янгидан айланма маблағлар ажратишга тўғри келади. Бундан кўринадики, ҳар бир янги ишлаб чиқариш жараёнининг бошланишида асосий маблағларни янгидан жалб қилиш заруриятга айланади.

Қишлоқ хўжалигида айланма маблағлар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фойдаланиладиган айланма маблағлардан айрим хусусиятлари билан фарқ қилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бошқа соҳаларга нисбатан узоқ вақт талаб этади;
2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мавсумий характерга эга эканлиги;
3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулотнинг бир қисми келгуси мавсумлар учун олиб қолинади. Олиб қолинган бу маҳсулотлар

айланма фондлар сифатида айланма маблағлар миқдорининг ўзгариб туришига сабабчи бўлади;

4. Қишлоқ хўжалик корхоналари айланма маблағларнинг пайдо бўлиши ва фойдаланилиши бўйича фарқланадилар.

Айланма маблағлар уч босқичда: - пул(капитал)- товар(меҳнат буюмлари) – пул(капитал) кўринишида доимо айланма ҳаракатда бўлади. Биринчи босқичда капитал(пул, сармоя, маблағ) товарга айланади, яъни меҳнат буюмлари сотиб олинади. Иккинчи босқичда харид қилинган меҳнат буюмлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиб, ўз шаклини ўзгартиради. Учинчи босқичда товар маҳсулоти айирбошлаш жараёнида яна капитал кўринишга айланади.

Асосий фондлардан самаралироқ фойдаланиш учун:

-ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш;

-кооперация;

-янги техника ва технологияларни амалиётга жорий этиш;

-меҳнатни илмий ташкил этиш талаб этилади.

Асосий фондлардан оқилона фойдаланиш учун унинг айланувчанлигини жадаллаштириш зарур. Бунга экинларнинг тезпишар навларини яратиш, тез етилувчан чорва молларини кўпайтириш, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, бозор конъюктураси асосида рақобатли ва сифатли маҳсулотлар етиштириш, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари ва кимёвий ўғитлардан атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш орқали эришиш мумкин.

### **Таянч термин ва тушунчалар**

Моддий ишлаб чиқариш тармоқлари, Ялпи Ички Маҳсулот(ЯИМ), қишлоқ аҳолиси ва меҳнат ресурслари, водий ва воҳалар, чўл ва чала чўл зонаси, вегетация даври, пахтачилик, яйлов, суғорма деҳқончилик, моддий техника ресурслари, қишлоқ хўжалигининг илмий базаси, асосий ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат воситалари, асосий фондлар классификацияси

## **Мавзуни такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Республика қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида қандай салоҳиятга эга?
2. Нима учун Ўзбекистоннинг водий ва воҳаларида деҳқончилик қилиш қулай ҳисобланади?
3. Нима учун Ўзбекистонда йилига 2-3 мартадан ҳосил олиш мумкин?
4. Пахтачилик нима сабабдан республика қишлоқ хўжалигида етакчи тармоққа айланган?
5. Ўзбекистонда чорвачиликнинг қайси тармоқлари ривожланган?
6. Нима учун Ўрта Осиёда гидротехник иншоотларга эҳтиёж катта?
7. Республика агросаноат комплекси моддий-техник ресурслар билан қандай таъминланган?
8. Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммолари билан шуғулланувчи қандай илмий тадқиқот институтларини биласиз?
9. Республика қишлоқ хўжалиги қандай илмий-техник базага эга?

## **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Агроиқтисодиёт. Андижон, 1996. -254 б.
2. Асанов Г. ва бошқ. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -209 б.
3. Асанов Г.А. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -248 б.
4. Бедрасов Ю.Я., Эргешов Ш.Э. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. -Т.: Ўқитувчи, 1984. -192 б.
5. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. -455 б.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -299 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
8. Рўзиев А. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -152 б.
9. Солиев А ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. –Т.: Университет. 2000.
10. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. -Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1997.
11. Қаюмов А. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. –Т.: Университет. 2004.
12. Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси (Маърузалар матни) . - Андижон. 2000.

13. Хусанов Р.Х. ва бошқ. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. -Т.: 2003. -772 б.